



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Оила ва

Хотин-қизлар давлат қўмитаси

раисининг биринчи ўринbosари

О. Парпибоева

“5”декабрь 2022 йил

**Вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа  
лавозимга ўтказиш бўйича Танлов комиссияси йиғилишининг  
18-БАЁНИ**

**Тошкент шаҳар**

**2022 йил “5” декабрь**

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси  
мажлислар зали

**Танлов комиссияси раиси:**

**Н.Эгамбердиева**

-Ўзбекистон

Республикаси Оила ва хотин-қизлар  
давлат қўмитаси раисининг  
ўринbosари

**Н.Матякубова** – Юридик бўлим  
бошлиги

**З.Искандарова** – Бошқарма бошлиги

**М.Махмудова** – Бўлим бошлиги

**Р.Мирхоликова** – Бўлим бошлиги

**У.Уразова** – Бўлим бошлиги

**М.Хасanova** - Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат хизматини ривожлантириш  
агентлиги масъул ходими.

**Таклиф этилганлар:**

**Комиссия котиби:**

**И.Тлеубергенова** - Инсон ресурслари  
ва комплаенс назорат бўлими  
бошлиги

## **Йиғилиш кун тартиби:**

*Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси,*

### **Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимларига ўтказилган сұхбат якунлари тўғрисида**

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига жорий йилнинг 8 ноябрь куни, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига жорий йилнинг 16 ноябрь куни <https://vacancy.argos.uz> сайтида очик танлов эълон қилинди.

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига **16 нафар**, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимга **16 нафар жами 32 нафар** номзодлардан **аризалар** келиб тушди.

Номзодлар ичидан малака талабларига мос келган **18 нафар** номзодлар (Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига 10 та, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига 8 та) саралаб олинди ва танловнинг тест босқичига ўтказилди. Тест босқичида Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига 6 нафар номзод, Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига 4 нафар номзод белгиланган балл тўплаб, сұхбат босқичига ўтказилди.

**10 нафар** номзодларга сұхбат босқичига ўтганлиги ҳакида хабардор қилинди.

Номзодларга танлов комиссия аъзолари томонидан соҳага оид саволлар берилди. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сонли Фармони мазмун-моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?, Ахборот хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?, Кибер хавфсизлик деганда нимани тушунасиз?, Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонун мазмун моҳияти каби саволлар билан мурожаат этилди.

Танлов комиссияси танлов иштирокчисининг саволларига тўғри ва аниқ жавоб бериши, иш тажрибаси, соҳавий билимини эътиборга олиб **қарор қиласи**:

1. Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига номзодлар **Магдиев Ботир Боходирович** ўзини рад этгани учун, **Фатуллаев Умиджон Умаржон ўғли иштирок этмагани учун, Холтураев Элбек Илхом ўғли, Холматов Сайдакбар Нурмаматович, Холмуминов Жавлонбек Эшбобоевичларнинг** саволларга


аниқ жавоб бермаганини, бўлим бошлиғи лавозимига мос келмаганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилмайди.

2. Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига номзод **Маткаримов Шоҳзод Мақсуд ўғли** дастурлаш ва Ахборот хавфсизлиги фаолияти бўйича амалий иш тажрибага эга эканлигини, саволларга аниқ жавоб бера олганлигини инобатга олиб ушбу лавозимга **тавсия этилсин**.

3. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига номзодлар **Исмоилов Элёрбек Шавкат ўғли, Ражабов Шоҳрухжон Шодмон ўғли, Усмонов Даврон Шавкат ўғли** давлат бошқаруви органларида иш тажрибаси камлигини инобатга олиб ушбу лавозимга тавсия этилмайди.

4. Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси лавозимига номзод **Полатов Нуриддин Хуснудинович** иш тажрибаси, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш соҳасидаги тажрибаларини инобатга олиб ушбу лавозимга **тавсия этилсин**.

Н.Эгамбердиева


 З.Искандарова

 М.Матяқубова

 Р.Мирхоликова

 У.Уразова

 М.Махмудова

 И.Тлеубергенова

Танлов комиссияси котиби: